



2016 йил «17» октябрь

№694-а

**2017 йилда қурилиши режалаштириладиган
“Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган
шубба инжиниринг компанияси Самарқанд
филиалига фуқароларга янги лойиҳадаги
уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш
ва қурилишга рухсат бериш тўғрисида**

Тумандаги аҳоли пунктлари қиёфасини тубдан ўзгартириш, архитектуравий режалаштирилган ҳолда қуришни ташкил этишни такомиллаштириш буйича кенг чора тадбирлар комплексини амалга ошириш ҳисобига уй-жой фондининг ҳолатини қатъиян яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 20-моддаси, “Ер кодекси”нинг 6 ва 26 моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ 1051-сонли “Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда қурилиш шартларида реконструкция ва таъмирлаш буйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2009 йил 3 августдаги ПҚ 1167-сонли “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 10 октябрдаги “2017 йилда қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини самарали ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги №05-05/1-2-сонли йиғилиш баёни ижросини таъминлаш мақсадида туманда 2017 йилда қурилиши режалаштирилган 10 та 1 қаватли 2 сотиҳли уй-жойлар қурилиши учун туман ҳокимлиги ҳузурида тузилган ер участкасини танлаш буйича ишчи комиссиясининг 2016 йил 13 октябрдаги далолатномасини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шубба инжиниринг компанияси Самарқанд филиалига Нуробод тумани Нурбулоқ ҚФЙ Нурбулоқ маҳалласи ҳудудидаги туман ҳокимлиги захирасидаги яйлов ер майдонининг 2931 контурдан 10 дона янги намунавий лойиҳа асосида 1 қаватли 2 сотиҳли уй-жойлар қуришга рухсат берилиб 0,35 гектар ер майдони ажратилсин.

2. “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослаштирилган шубба инжиниринг компанияси Самарқанд филиалига вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан белгиланган тартибда давлат экологик экспертизаси ҳулосасини олиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 23 моддаси 5 бандига асосан ер балансига ўзгартириш киритиш туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими бошлиғи (Ф.Эргашев) зиммасига юклатилсин.

4. Туман бош архитектори (Ж.Абдуллаев)га тасдиқланган қурилиш лойихаси асосида қурилиш ишларини амалга оширилишини назорат қилиш топширилсин.

5. Ер участкасини натурага кўчириш ишларини “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУК нинг вилоятдаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ж.Абдуллаев) ва туман “Ер ресурслари ва давлат кадастри” бўлими (Ф.Эргашев)лар зиммасига юклатилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилишни туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О.Джураев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов